

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖЎРАЕВ СУННАТУЛЛО ОРТИҚОВИЧ

**МИКРОКРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ (ТОШКЕНТ ШАҲАР “ИПОТЕКА-БАНК” ОАТБ
МИСОЛИДА)**

КУРС ИШИ

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Р.Х.Карлибаева**

Тошкент 2012

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1 Микокредитлашнинг моҳияти ва зарурлиги.....	9
2.Кичик корхоналарнинг молиявий ресурслари шаклланишида микрокредитларнинг аҳамияти.....	18.
3. Микрокредитлашнинг янги истиқболли шакллари ва улардан фойдаланиш имкониятлари.....	56
Хулоса	66
Фойдаланилган адабиётлар	69
Илова	73

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги шароитида кичик бизнес субъектларини тараққиёти ва уларни миллий ишлаб чиқаришдаги салмоғининг ортиб бориши ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Кичик бизнес соҳасининг тараққиёти иқтисодиётдаги банкликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш ҳамда ялпи ички маҳсулотни барқарор усиб боришини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Дунёдаги кўплаб ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг, аввало, ўзимизнинг ўтган йиллар мобайнида туплаган тажрибаларимиз бир ҳақиқатни яққол тасдиқламоқда.

Ўзбекистон республикаси президенти И.А.Каримов айтиб ўтганларидек ... аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив вазифасини бажарадиган кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида биз танлаган сиёсатнинг мутлақо тўғри ва узоқни кўзланган ҳолда олиб борилаётганлигини такрор ва такрор исботламоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу соҳа ички бозоримизни истеъмол товарлари билан тўлдиришда салмоқли ҳисса кўшмоқда”¹

Хусусий мулкчилининг истиқболли соҳаларидан ҳисобланган кичик бизнес субъектларида фойда олиш фаолиятнинг бош мақсадига, маблағларга мустақил эгаллик қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш учун жавобгарлик эса - фаолиятнинг бош иқтисодий шартига айланиб бормоқда.

Кичик бизнес корхоналари ҳозирги замон тараққиётининг ҳолати, аҳамияти ва истиқболлари молиявий ресурсларни жалб этиш

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси . 12.11.2010 Халқ сўзи. 26.

хусусиятларини, молиялаштириш шакллари ва услублари, молиявий режалаштириш ва тахминлар тузиш, корхона молиявий фаолияти ва инвестициялар таҳлилини ўрганиш билан боғлиқ қатор янги муаммоларни қўймоқда.

Шу билан бир вақтда молиявий амалиётда бир хил шароитда фаолият юритиб пул капиталини шакллантириш ва уларни самарали инвестицион фаолиятга жалб қилиш муаммоларининг мавжудлиги кичик корхоналарда молиявий ресурсларни боқариш тизими олдига янги вазифалар қўймоқда. Бу ҳолат танланган мавзунинг бугунги кундаги долзарблигини тасдиқлайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хужалик юритувчи субъектларини микрокредитлашни такомиллаштириш масалаларини Россия иқтисодчи-олимларидан М.Богачёв, С.Бочаров, И.Мазурова², Сидельников, В.Титова, Э.Уткин, Е.Четўркин М.Романовский, Н.Сичёв, М.Федотовалар ўрганган бўлса, республикамиз олимларидан Ё.Абдуллаев, Э.Акрамов, Р.Каримов, Т.Коралиев³, З. Йўлдошев, С.Гуломов, Ф., Б.Ю.Ходиев, Б.Салимов каби иқтисодчиларнинг илмий асарлари хужалик юритувчи субъектларини микрокредитлашнинг назарий ва амалий асослари ўрганилган.

Тадқиқот ишининг мақсади. Магистрлик диссертация ишининг мақсади сифатида кичик бизнес корхоналарида молиявий ресурсларни шакллантиришда кредит маблағларидан фойдаланиш амалиётининг ҳозирги замон ҳолатини назарий ва амалий жиҳатдан комплекс таҳлил қилиш, камчиликларини аниқлаш, тизимлаштириш ва уни иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга асосланган ҳолда янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиш майдонга чиқади.

Тадқиқот вазифалари Мазкур ишнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни талаб этади:

² И.Мазурова. Микрокредитование. М.: “ОСКО”. 2008. 465б.

³ Т. Қоралиев. Микрокредитлаш механизмини такомиллаштириш Т.: Молия. 2008й 204б.

-иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналарининг иқтисодиётдаги ўрни ва ҳозирги замон тараққиёти хусусиятларини ёритиш, кичик бизнес молиявий-иқтисодий табиати, тараққиёт қонуниятлари ва зиддиятларини таҳлил этиш, ривожланган бозор иқтисодиёти давлатларида кичик бизнесни кредитлаштиришни ташкил этиш тажрибаларини умумлаштириш ҳамда уларнинг илғор тажрибалари ўзлаштириш;

- кредит муносабатларини ёритиш ва шу асосда кичик бизнесни кредит орқали тартибга солиш тизимини таҳлил этиш;

- кичик бизнес корхоналарида молиявий ресурсларни ташкил топиш манбаларини ҳамда улар таркибини мукамаллаштириш муаммоларини ёритиш;

-иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кредит маблағларидан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш ва амалдаги кредит сиёсати шароитида кичик корхоналар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

- кредитлаш самадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тизимини ишлаб чиқиш;

- бозор муносабатлари ривожланишининг турли босқичларида корхона айланма маблағларини кредит орқали тартибга солиш механизмни такомиллаштириш юзасидан зарур тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш;

- кредит ва инвестициялар самарадорлигини аниқлаш услубини такомиллаштириш ва бошқалар ишнинг асосий вазифалари ҳисобланади;

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолияти юритувчи кичик бизнес корхонаси “Азим Файз”, “Шаҳзода” кичик корхонаси ва Тошкент шаҳар “Ипотека-банк” ОАТБ мисолида олинган.

Тадқиқот предмети сифатида иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида кичик бизнес корхоналарида микорокредитлаш жараёни майдонга чиқади. Илмий изланиш предметининг муаммоларини ўрганишда республикамиздага айрим кичик корхоналар фаолиятига оид маълумотлардан фойдаланилган.

Илмий ишининг янгилиги қуйидагилар орқали ифодалаш мумкин:

- бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг назарий-методологик асослари ёритилди, илмий таҳлил ва кундалик амалиёт объекти нуқтаи-назаридан унинг моҳияти ва келиб чиқиши ўрганилди.

-кичик корхоналарнинг молиявий ресурсларининг шаклланиш манбалари ва унда кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ўрганилди;

- кредит муносабатлари комплекс тарзда таҳлил этиш ва шу асосида кичик бизнес корхоналари кредит маблағларини тартибга солишнинг мақсади, вазифалари ҳамда ҳозирги замон шароитида кичик бизнес кредитлашнинг моҳияти ва хусусиятлари ёритилди;

- кичик бизнес корхоналарида молиявий ресурслар ташкил топиш манбалари оқилона таркибининг таъминланиши юзасидан тадбирлар тизими ишлаб чиқилди;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес корхоналари кредит таъминотини бошқаришнинг янги, бозор моделининг яратилиши зарурлиги асосланди;

- кичик бизнес корхоналарини кредитлаштиришга йўналтирилган жами пул капитали ҳамда такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи жами маблағларни бошқариш тизими назарий жиҳатдан куриб ўтилди ва шу асосида корхона жорий ва истиқболдаги мақсадларини ҳисобга олган ҳолда унинг фойдалилиги ва ликвидлилигини таъминлашга қаратилган капитални жамғариш, инвестицион фаолиятни амалга оширишга имкон берувчи омиллар ўрганилди;

- кичик бизнес корхоналари тараққиёти босқичларини ҳисобга олган ҳолда улар фойдасини мукамал тақсимлаш бўйича таклифлар берилди;

Магистрлик диссертация ишида бозор тараққиётининг турли фазаларида корхона айланма маблағларини кредит орқали тартибга солиш механизмини ташкил этиш концепцияси кўриб ўтилиб унинг тадбирлари комплекси ўрганилди, ушбу тадбирларни амалга ошириш натижасидаги иқтисодий самарадорлиги аниқлашга ҳаракат қилинди.

Магистрлик диссертация иши таркиби. Магистрлик диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборатдир.

1. Боб. Микрокредитлашнинг моҳияти ва унинг кичик бизнес субъектлари молиявий ресурсларини шакллантиришдаги аҳамияти.

1.1. Микрокредитлашнинг моҳияти ва зарурлиги

Бозор муносабатларининг жамият миқёсида шаклланиб бориши мулки хусусийлаштириш, халқ хужалигида куп укладли иқтисодиётнинг яратилиши, ишлаб чиқаришни бозор талабига биноан қайтадан ташкил этиш, иқтисодиётда бошқаришни иқтисодий усуллар ердамида олиб бориш, аҳолини турли туман товарлар ва хизматларга булган талабини қондиришда микрокредитлашнинг аҳамияти алоҳида муҳим ўринни касб этади..

Жаҳондаги ривожланган мамалакатларда халқ хўжалигининг барча тармоқларида микрокредитлашни ва улар фаолиятини ривожлантириш заминида юз бермоқда.

Ҳозирги кунда банкларимизда кундан кунга микрокредитлаш вазифасини бажаришга эътибор қаратмоқда. Банкларда микрокредитлаш хизматлари йулга қуйилди ва бир нечта кредит турлари банк тизимида критилди. Микрокредитнинг асосий суммасини кредит тулаш муддатининг сунгида ва кредит тулашнинг бошланғич муддати узайтирилаётганда қайтариладиган кредит турларини бериш тартибини ҳам ўз ичига олади.

Микрокредит туловларни ўз вақтида туланишини таъминлаш, маблағларнинг қайтарилиши ва берган кредитлар буйича қарзни ундириб олиш буйича чора - тадбирларни ўз ичига олиши керак. Микрокредитларни банк ўз кредит сиёсатига ва кредит операцияларини юритишнинг умумий шартларига мувофиқ равишда беради.

Банк булажак қарз олувчидан банк низомига мувофиқ равишда микрокредит олиш учун хужжатларини юритиш учун зарур буладиган барча ахборотнинг талаб этиши зарур. Микрокредит банк шартнома асосида ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кузда тутилган бошқа усул воситасида кредит буйича туловни талаб этиш ҳуқуқини белгиланган

миқдорда бериши мумкин. Микрокредит кредит шартномаси, гаров ҳақидаги шартномасида кўрсатилган тегишли шартларни бажарган ҳолда тақдим этилади.

Банкларда ҳар бир миқдорга берилган кредитларни ва берилган кредит беришни тартибга солади. Тижарт банклари томонидан кредит бериш кайтаришлик, туловлик тامينланганлик муддатлик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Кичик бизнес субъектлари – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар.

Республикада саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Кичик корхона билан микрофирма бир биридан уларда ишлайдиган ходимлар сони билан фарқ қилади. Кичик корхона билан микрофирма бир биридан уларда ишлайдиган ходимлар сони билан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Фармонида биноан кичик бизнес субъектларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик чегаравий сони қуйидагича белгиланган:

микрофирмаларда:

-ишлаб чиқариш тармоғида 24 кишигача;

-хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда –12 кишига;

-савдо ва умумий овқатланиш соҳасида - 6 кишига;

кичик корхоналарда:

-енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик,
-ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида - 120 кишигача;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи энергетика ва кимё саноати, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат ишлаб чиқариш соҳаларида –60 кишигача;

-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда –30 кишигача ишлайди.

Кичик бизнесни ривожлантириш орқали иқтисодий юксалиш илдам кадамлар билан амалга оширилди. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, кичик корхоналар кискка муддат ичида мослаша олади. Меҳнатни ташкил этиш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш янги ишлаб чиқариш кувватларини барпо этиб ундан самарали фойдаланиш кичик корхоналарда тез руёбга чиқади.

2010 йилда яратилган жами 940,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг 391,8 мингтаси (41,7 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4,7 фоизга кўпроқ демакдир.

Жами янги иш ўринларининг деярли 21 фоизи турли шакллардаги уй меҳнатини йўлга қўйиш, 7,5 фоизи янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш, деярли 30 фоизи иш жойларини кўпайтиришнинг кўшимча чора-тадбирлари амалга ошириш ҳисобига ташкил этилган.

Бунинг натижасида, кичик тадбиркорликда банд бўлганларнинг жами иқтисодиётдаги банд бўлганларга нисбатан улуши 2008 йилда 73,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 74,2 фоизга етди, 2010 йилда 75,3 %ни ташкил этди. Тармоқларда яратилган ЯИМдаги бизнес корхоналари кундан кунга ривожланиш тенденциясига эга ва улар ҳақидаги маълумотларни куйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Тармоқларда яратилган ЯИМдаги кичик бизнес корхоналари улуши

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010й
Қишлоқ хўжалиги	97,8	97,9	97,8
Қурилиш	48,3	41,6	42,8
Савдо	48,1	46,5	47,9
Пуллик хизмат	48,5	48,7	43,6

2010 йилда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробарга кўпайди ва 2 триллион 700миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ошириб, ушбу кўрсаткич 2009йилга нисбатан 1,5 баробарга ошди.⁴

Ўзбекистон шароитида кичик бизнес корхоналарини барпо этиш орқали мустақил хўжалик юритувчи мулк эгалари шаклланади. Бу кичик корхоналарни ташаббускор ишбилармон шахслар бошқариб, турли бюрократик элементларнинг хўжалик фаолиятига аралашувидан холос этади. Кичик корхоналар ҳақиқатда ҳам маҳаллий шарт шароитларга тез куникиб, маҳаллий бозорни шарт шароитларга ва талабларига мослашиши билан бирга бозорнинг ўзига хос томонларини ўрганади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги 3750-сонли Фармони асосида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Банкнинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

Биринчидан, мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич капитални шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка айниқса, қишлоқ жойларда кўмаклашиш;

⁴ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фарованлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси. 2011й 22январ. №16сони.1.б.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хом аше ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республикамизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш;

Учинчидан, тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналарни техник ҳамда технологик жихозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий ускуналар ва минитехнологияларни, шу жумладан, микролизинг шартлари асосида сотиб олишлари учун шарт-шароит яратиш;

Тўртинчидан, фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологияларни, чорва мол, уй паррандалари, уруғлик ва кўчатлар сотиб олишга, қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш, суғориш, тупроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиш ва микролизинг бўйича хизмат кўрсатиш;


Бешинчидан, банк мижозларига барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш, янги банк махсулотларини амалиётга жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлардаги банк хизматларидан кенг кўламда фойдаланишларини таъминлайдиган филиаллар ва минибанклар тармоғини кенгайтириш;

Олтинчидан, микрокредитлаш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиш ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиктисодий омилларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда кичик бизнес тараққиётининг кескинб авж олиши натижасида уларнинг мамлакатда

яратилаётган ялпи ички махсулот салмогидаги улушининг ортиб бораётганлиги билан изохлаш мумкин.

Буни қуйидаги диаграммадан куришимизмумкин.



1-Расм. Ялпи ички махсулот ишлаб чиқариши хажмида КБХТ субъектларнинг улуши⁵ (%)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектларининг ялпи ички махсулот ишлаб чиқарилишидаги улуши 1992 йилда 1,5%ни, 2000 йил 31,5%ни 2007 йилда эса 46,2%ни ва 2010 йили 52,5%ни ташкил қилган.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкин, кичик бизнес субъектларини мамлакат миллий иқтисодиётидаги ахамияти ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 1428 мингдан ошиб кетди. Бу кўрсаткич рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 90 фоизини ташкил этади.

Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 58 фоизга яқини ушбу секторда фаолият юритмоқда. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97 фоизи, чакана савдо айланмасининг 45-48 фоизидан ортиғи, хизмат кўрсатиш соҳасининг 42-44 фоизи, юк ташиш айланмасининг 67-69 фоизи, йўловчи ташиш айланмасининг 86 фоизи кичик корхоналар улушига тўғри келмоқда.

⁵ Ўзбекистон республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

2015 йилга бориб ялпи ички маҳсулотнинг қарийиб 60%ини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил қилишини курадиган бўлсак, истикболдаги давлат сиёсати кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга қаратилишига амин бўламиз.

КБХТни ривожлантиришда банк тизимини ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим.

Иқтисодиётда кичик корхоналарнинг фаолият кўрсатиб ишлаши йирик корхоналарни айрим харажатларидан ҳолос этиб, кўп ҳолларда йирик корхоналарда қўлланиладиган янги техника ва технология кичик корхоналарда қўлланиши купроқ самара беради. Кичик корхоналар жамият учун бошқа корхоналарга нисбатан купроқ янги товарлар етказиб бера олади ҳамда истеъмолчиларнинг талабини кенгроқ ўрганиб ўз фаолиятини талабга мослаштира олади.

Кичик корхоналарда меҳнатни ташкил этиш истеъдодли, талантли кадрларнинг ижодий фаолиятдан самарали фойдаланиш билан бирга уларнинг жамиятга танилишига ҳам имконият яратади. Бошқа корхоналарга нисбатан кичик корхоналарда тажрибали мутахассислардан фойдаланишни ҳоётда юқоридир. Маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш, чиқиндилардан ва меҳнат потенциалидан фойдаланишда кичик корхоналар учун имкониятлар мавжуд. Бозор иқтисодиётига хос бўлган талаб капиталнинг айланишининг тезлашиши айнан кичик корхоналарда йуналтирилган капитални ўз ўзини корхоналарга нисбатан уч маратба юқорилиги исботланган.

Ўз навбатида кичик бизнес ривожлантирилишига кенг йўл очиш - энг аввало, истеъмол бозорида товар ва хизматлар тақчиллиги ҳамда маблағ етишмовчилиги шароитида кўп сармоя сарф қилмасдан, қисқа муддат ичида рақобатга чидамли маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бу эса, йирик ихтисослаштирилган корхоналар етказиб бера олмайдиган маҳсулотлар билан аҳолини таъминлашга имкон беради. Кичик бизнесни ривожлантириш ва рағбатлантириш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

- * янги ишчи ўринлари яратилади;
- * янги технологиялар асосида бозорларимиз зарур маҳсулот ва хизматлар билан таъминланади;
- * товар сифати оширилади;
- * нархлар сифати оширилади;
- * аҳолини ижтимоий ҳимоялашда бюджет харажатларини камайтиради ва шу каби масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.

Хозирги кунда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш давлатнинг қуйидаги ташкилий бошқарув даражалари бўйича бўлиши мумкин:

- * умумдавлат;
- * тармоқлараро бошқарув комплекслар;
- * худудий (вилоят ва туман ҳокимиятлари).

Буларнинг ичида энг яхши самара берадиган даража худудлар бўйича қўллаб-қувватлашдир. Худудларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бевосита шу соҳанинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Худудларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мумкин:

- * белгиланган худудда ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш;
- * худудларда кичик бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;
- * кичик бизнес субъектларини яратиш (кичик бизнес бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш);
- * кичик бизнесни молия ва кредит ресурслари билан таъминлаш;
- * кичик бизнесни рағбатлантириш;
- * кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи соҳаларни яратиш;
- * кичик бизнесни ташкил этиш учун ер, бино ва бошқа иншоотлар ажратиш;

* худудларда кичик бизнесни бошқарувчи ташкилий тузилмани такомиллаштириш.

Худудларда кредит муассасаларини ривожлантириш, ихтисослашган тижорат банклари бўлимлари, кредит ассоциациялари, биржа ва фондлар филиаллари, савдо уйлари, инвестиция ва молия компаниялари бўлимлари, кичик бизнесни ахборот билан таъминлаш бўйича хизмат кўрсатиш фирмалари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги фикрга асосланган ҳолда айтишимиз мумкинки, кичик бизнесни молиявий қўллаб қувватлаш давлат сиёсатининг самарали натижаси сифатида мамлакатимизда бандлик, аҳоли фаровонлиги таъминланмоқда ва бу соҳа макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш асосий иқтисодий омиллардан бири вазифасини бажармоқда.

Мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга қаратилган ислохотлар туфайли кичик бизнес таракқиёти учун кенг имкониятлар яратилмоқда, лекин бу ҳолат ҳали кичик бизнес фаолияти учун тайёр ҳолдаги ҳаракат дастурини бермайди.

Тадбиркорлик субъектлари, биринчи навбатда кичик бизнес учун солиқ юкини пасайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан олиб борилаётган ислохотлар республика иқтисодиётининг барча тармоқларида ўзининг амалий натижалари бермоқда.

1.2. Кичик корхоналарнинг молиявий ресурслари шаклланишида микрокредитларнинг аҳамияти

Тижорат банкларининг кредитлари ишлаб чиқаришда асосий ўрин тутган операциялардан биридир. Ўзбекистон Республикаси “Банк ва банклар фаолияти туғрисидаги қонуни” да банк терминиға тушунтириш берилганда бу ташкилот учта операцияни албатта амалға ошириши кераклиғиға ургу берилган, булардан бири кредит бериш операциясидир. Жаҳон банк

фаолиятида банк терминида молиявий супермаркет деган тушунча берилганига карамай кредит операциялари барча банклар фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган. Бир томондан банк кредити иқтисодий субъектлар учун зарурий ҳолларда вақтинча юзага келган молиявий қийинчиликларни ечишда ёрдам берувчи муҳим манбаа ҳисобланади. Иккинчи томондан эса банклар олиб бораётган жараёнлари ичида энг кўп фойда берувчи жараёндир.

Банкларнинг кредит жараёнлари ўз навбатида муддат буйича учга булинади:

- қисқа муддатли 1 йил муддатгача булган;
- ўрта муддатли 1-3 йилгача булган;

Банкнинг кредит операциялари узок ёки қисқа муддатли булишлиги иқтисодий шарт - шароитга боғлиқ булади. Масалан ҳозирги кунда республика тижорат банкларининг кредит портфелини муддат буйича таҳлил қиладиган булсак, қисқа муддатли кредитларнинг салмоғи анча юқори эканлигини куришимиз мумкин ва бу ҳолат нафақат бизда балки барча МДХ давлатларига ҳам тегишлидир. Кичик бизнес корхоналари ҳозирги замон тараққиётининг ҳолати, аҳамияти ва истиқболлари банк тизими олдида молиявий ресурсларни жалб этиш хусусиятларини, молиялаштириш шакллари ва услублари, молиявий режалаштириш ва таҳминлар тузиш, корхона молиявий фаолияти ва инвестициялар таҳлилини ўрганиш билан боғлиқ қатор янги муаммоларни кўймоқда.

Ҳозирги иқтисодий эркинлаштириш билан боғлиқ ислохотлар шароитида КБХТи тараққиётининг муҳим омилларидан бири уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарурий молиявий ресурсларни шакллантириш ҳисобланади. Бу шароитларда молиявий ресурсларнинг моҳиятини фақатгина пул маблағларининг ташкил топиш манбаи сифатида тушуниш уларнинг бозор иқтисодиёти шаклланиши ва тадбиркорлик фаолиятининг тараққиётидаги роли ва аҳамиятини тула ёрита олиш имкониятини бермайди, ҳамда корхоналар молиявий ресурсларни оқилона бошқаришнинг аҳамиятини тушуниб етмасликка олиб келади.

Молиявий ресурслар бу давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар кўлида ташкил толувчи пул даромадлари, жамғармалар ва тушумлардир. Улар кенгайтирилган ишлаб чиқариш таъминлаш, турли хил фаолиятларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий эҳтиёжларни кондириш, муодофаа эҳтиёжлари ва давлат бошқаруви учун мўлжалланади. Молиявий ресурслар молиявий муносабатларни моддий асосини ташкил қилади.

Кичик корхоналар молиявий ресурсларини фақат қиймат категорияси сифатида тушуниш самарали тадбиркорлик фаолияти учун уларни аҳамиятини тула акс эттирмайди. Шунга кўра, корхоналар молиявий ресурслари мазмунини уларнинг ўз мажбуриятлари буйича вақтида ҳисоб китоб килишларига ҳамда такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга имкон берувчи пул маблағларининг йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин.

Микрокредит- бу қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир.

Микроқарз-микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилик шарти асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир.

Микрокредитлар бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик тадбиркорлик субъектларига (микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича, 24 ой муддатгача, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда берилади.

Микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари (юридик шахс мақомига эга) учун энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача ва кичик корхоналар ҳамда

фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда бериладиган пул маблағларидир.

Оилавий тадбиркорлик учун кредит. Бандлик жамғармаси кредитлари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 150 бараваригача миқдорида ажратилади.

Имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кичик бизнес субъектларига 3 йил муддатгача, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда кўрсатилади.

Бу ўринда И.А. Бланкнинг «Хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларини унинг ихтиёрида мавжуд булган пул маблағлари ташкил этади»⁶ деган фикрга қушилиш мумкин. «Пул маблағлари» тушунчаси остида корхонанинг бевосита унинг кассаси ва банкдаги ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ҳамда қимматбаҳо қоғозларда ифодаланувчи қисқа муддатли юқори ликвидли сармоялар сифатидаги пул эквивалентлари тушунилади.

Молиявий ресурслар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни учун зарурий булган ҳаражатлар учун фойдаланиладиган пул маблағлари ҳам ҳисобланади. Шунингдек молиявий ресурслар жорий ҳаражатлар, корхоналарнинг хўжалик субъектлари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги молиявий мажбуриятлари учун зарурий пул маблағлари ҳам ҳисобланади.

Россиялик иқтисодчи олимларнинг фикрича, «Кредит ресурслари-ҳаражатларни қоплаш ва турли хил фондлар ва захиралар ташкил килиш учун фойдаланиладиган давлат, хўжалик ташкилотлари ва муассасалар ихтиёрида булган пул маблағлари ҳисобланади»¹- деб ёритилади. Мазкур иқтисодий адабиётда кредит ресурсларнинг мазмуни умулаштирган ҳолда ёритилган.

⁶ Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. -Киев: «Ника центр», 2009.-137 с.

¹ Берлов И.Н. «Финансово-кредитный словарь»- . Москва 2009.-128 с.

Кичик корхоналарнинг кредит ресурслари барча корхоналар каби ўз ва унга тенглаштирилган маблағлар, молиявий бозордан жалб қилинган маблағлари ва бошқа манбалардан ташкил топади. Фақатгина уларнинг шаклланишини ўзига хос хусусияти давлатнинг айнан кичик бизнесни кўллаб қувватлаш итизими бўйича молиявий ресурсларни шаклланиши билан хусусиятланади. Молиявий ресурсларни шакллантириш 2 та йирик манбалар таркибидан иборатдир. Мулк ҳукуки асосида 2 йирик гуруҳ фарқланади хусусий маблағлар ва қарз пул маблағлари. Агар яна ҳам чуқурроқ куриб ўтадиган бўлсак: хусусий ва унга тенглаштирилган маблағлар; молиявий бозорлардан жалб қилинган ресурслар; қайта тақсимлаш тартибида келиб тушган пул маблағлари. Кичик бизнес корхоналари молиявий маблағларининг шаклланишини куйидаги расмда кўриб ўтаемиз.



2. Чизма. Кичик бизнес субъектларининг молиявий ресурслари таркиби⁷

⁷ В.Стоянова «Финансовый менеджмент»- М.: «Финансы и статистика», 2008.-41 с.

Бизнинг фикримизча, молиявий ресурсларни шакллантиришнинг умумдавлат даражасидаги манбаи миллий даромад ҳисобланса хўжалик субъекти даражасида инвестицияларда фойдаланиладиган миллий бойликнинг бир қисми сифатида ялпи даромад ва амортизация ҳисобланади. Молиявий ресурсларни шаклланиши ва улардан фойдаланиш 2 даражада амалга оширилади: мамлакат масштабида ва иқтисодий субъектлар масштабида.

Кредит ресурсларни шакллантириш манбаларини мамлакат даражасидаги улчами ва структураси: мамлакат иқтисодиётининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни, мамлакат аҳолисининг яшаш даражаси, давлат бюджетининг усиш даражаси имкониятлари билан аниқланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда кичик тадбиркорлик фаолияти молиясининг концептуал вазифалари қўйидагилардан иборат: иқтисодиёт тармоқларидаги тадбиркорлик фаолиятини босқичма босқич ривожланишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти дастлабки ривожланишида авансланган капитални шакллантиришда кенг имкониятлар яратиш, яратилган даромадларни тақсимот механизмида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратиш.

Кичик бизнес субъектлари пул айланмаси ҳажми ва интенсивлигини аниқлаш учун барча капиталнинг доиравий айланиш жараёнини ва пул айланмасини амалга ошириш шарт-шароитлари ва томонларини таҳлил қилиш лозим. Таҳлил жараёнига молиявий ресурслар ҳаракатини, корхонанинг тижорат иши натижалари билан бўлган молиявий муносабатлари ҳолати кўриб чиқиш ҳам кириб кетади.

Мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичдаги муҳим масалалардан бири унинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини ва жаҳон хўжалиги алоқаларидаги фаол иштирокини таъминлашдир. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши, аввало бозор иқтисодиётининг асоси булмиш тадбиркорлик фаолиятининг кенг тараққиёти билан боғлиқ. Хўжалик

субъекти рақобатбардошлигига унинг молиявий ресурслари ҳаракатини самарали бошқариш орқали эришилади. Молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилиши механизми уларнинг моҳиятини тушунишни, амалиётда молиявий бошқарув услублари ва кўрсатмаларидан, шу жумладан молиявий таҳлил, тахминлар тузиш ва режалаштириш кабилардан фойдаланишни талаб этади.

Кичик бизнес субъектлари бутун бир хўжалик ишлаб чиқариш ва молиявий механизми сифатида қаралаши бозор иқтисодида хўжалик юритишга мўлжалланган молиявий кўрсаткичларни шакллантиришнинг умумий ечимини кўрсатиш имконини беради.

Ушбу иқтисодий кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқаришнинг техник ташкилий даражаси ётади. Буларга маҳсулот ва ишлатаётган техника сифатида, технологик жараёнларнинг такомиллашувчанлиги, техник ва энергетик қуролланганлик (меҳнат), ихтисослашув, кооперациялаш, ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг такрорийлиги, ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ташкилий даражаси киради.

Бошқа соҳаларда булгани каби тадбиркорлик фаолияти молиявий ресурслари ҳозирги кунда кескин тортишувли ва баҳсли мунозараларга бой булган муаммолардан ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик маблағи хўжалик фаолиятининг асоси сифатида кўйидаги ташкилий таркиблардан иборат булади:

- бошланғич капиталларни шакллантириш;
- такрор ишлаб чиқариш ва инвестицион фаолият учун зарурий кредит ресурслар;
- тадбиркорлик фаолияти даромадларини шаклланиши ва уларни таксимланиши натижасидаги марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларининг шакллантириш билан боғлиқ пул муносабатлари.

Социологик тадқиқотларнинг курсатишича аксарият кичик бизнес субъектларида ва хусусий тадбиркорликда бошланғич капиталнинг асосий манбалари қўйидагилардан иборат:

- тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари;
- давлатнинг маблағлари;
- тижорат банкларининг кредитлари;

Ҳозирги республикада амалга оширилаётган КБХТни давлат томонидан қўллаб қувватлаш сиёсатида уларнинг молиявий қўллаб қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб- қувватлаш тизими қўйидаги чизмада яққолроқ намоён бўлади.

Кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашнинг асосий манбалари⁸
Давлат манбалари (давлат томонидан маълум грантлар ва мақсадли фондлар ташкил қилиш);
Ички манбалар (корхона фойдаси, амортизация ажратмалари);
Молиявий активларни жалб қилиш ҳисобига устав капитални қўйиштириш
Қарз маблағлари (кредит маблағлари, облигация ва бошқа қарз мажбуриятлари);
Ҳорижий инвестиция маблағлари;
Кредиторлик қарзлари.

3. Чизма. Кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашнинг асосий манбалари

Молиялаштириш маблағларининг таркибий тизими асосан мамлакатдаги иктисодий сиёсат, қонунчилик (асосан, солиқ қонунчилиги), инвестицияни

⁸ Чизма муаллиф томонидан тайёрланган

жалб қилиш инфратузилмасининг ривожига, мамлакат иқтисодий ақволига боғлиқ булади.

Бозор иқтисодиёти тараққиётининг жадаллашуви ва ўтиш даврига хос зиддиётларнинг мавжудлиги купчилик кичик тадбиркорлик асосида фаолият юритувчи субъектларни туловга лаёқатсизликка ва инкирозга юз тутишига олиб келмоқдаки улардаги бош молиявий муаммо молиявий ресурсларни шакллантиришнинг аъънавий усуллари каторида қарз маблағарини жалб қилишнинг замонавий усуллари кенг қўллаш ва молиявий ресурсларни оқилона бошқариш механизмлари имкониятидан самарали фойдаланилмаслиги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу шароитларда молиявий ресурсларнинг моҳиятини тушуниб етишда фақатгина пул маблағларининг ташкил топиш манбаи сифатида тушуниш уларнинг бозор иқтисодиёти шаклланиши ва тадбиркорлик фаолиятининг тараққиётидаги роли ва аҳамиятини тула ёрита олиш имкониятини яратмайди.

Мулкчиликнинг ҳар қандай шаклида тадбиркорлик асосида фаолият юритувчи субъектлар меъёрдаги иқтисодий фаолияти етарли миқдордаги молиявий ресурсларни шакллантирмасдан туриб эришиб булмайди. Кичик бизнес асосида фаолият юритувчи хўжалик субъектларида молиявий ресурсларнинг етарлилиги- унинг ҳамкор сифатида мол етказиб берувчилар билан муносабатларида туловга лаёқатлилиги гарови ҳамда сотиб олувчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга туловларнинг ва кредит қайтарилишининг ўз вақтидалигини таъминлаш кафолидир.

Кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик маблағлари ҳақидаги муаммолар куп ўрганилганлигидан бу борада турлича фикрлар билдирилаётир. Масалан, аксарият иқтисодчилар ханузгача маблағлар сифатида пул даромадлари ва тушумлари ёки пул фондлари деб талқин қилинади. Албатта бу фикрлар моаблағларнинг мазмуни ва моҳиятини тулик ёритиб бериш имкониятига эга эмас. Лекин бизнинг фикримизча қарз маблағлари ва уларнинг таркиби алоҳида ўрганилиб, кредитлаш механизми

ва кредитлаш жараёнидаги муаммоларни алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг мамлакатимизда КБХТга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда микрокредитлар бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик тадбиркорлик субъектларига (микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича, 24 ой муддатгача, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда берилади.

Кичик бизнес субъектларига ажратилаётган ушбу кредитлар республикамизда янги ишчи ўринларини ташкили этилишига, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарилишига, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида хусусий секторнинг улушини ошиб боришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

3. Микрокредитлашнинг янги истиқболли шакллари ва улардан фойдаланиш имкониятлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири— бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир.

Халқаро андозалар талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган хориж давлатларининг ишлаб чиқариш технологиялари зарур бўлади, лекин бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истаги бўлган кичик бизнес субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди. Бунда кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳалари нафақат тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳисобига, балки хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал

секторга жалб қилиш ҳисобига кичик ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Келажакда улар негизида, молиявий жиҳатдан бақувват, кўп тармоқли йирик ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши кўзда тутилади.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар, тадбиркорлик субъектларига экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлашни, машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва узеллар ҳамда кундалик эҳтиёждаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни назарда тутадиган инвестицион лойиҳаларга ўрта ва узоқ муддатга берилади.

Демак, бундан кўринадики, хорижий кредит маблағларини ажратишнинг асосий шартлари миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва иқтисодиётнинг таняч тармоқларида қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга ва бошқа устувор йўналишлардаги лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобланмоқджа. Бу ҳолат кичик бизнесни хорижий кредит линияларининг мамлакатимиз иқтисодий ислохотларининг устувор вазифалдари билан уйғунлигини кўрсатиб бермоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти Миллий банки, “Агробанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асакабанк”, “Ипотека” банки ва “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари жалб қилинган.

2010 йил 1 август ҳолатига республикаимиз тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 463,75 млн. АҚШ доллари миқдорига хорижий кредит линиялари очилган ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 309 та инвестицион лойиҳалари жами 336,45 млн. АҚШ долларига молиялаштирилди.

Ўзлаштирилган кредит линиялари ҳисобига жами 14596 та, шу жумладан жорий йилда 12134 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Ушбу соҳада эришилаётган ютуқларимиздан ташқари айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган Техник иқтисодий асоснома (ТИА)ларнинг яхши ишланмаганлиги хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишининг кечикишига асосий сабаб бўлмоқда.

Аксарият ҳолларда тақдим этилаётган ТИАларда сотиб олинadиган хом ашёлар нархларининг камайтирилиб кўрсатилиши, сотиб олинadиган технологик ускуналар ҳамда сотиладиган маҳсулотлар нархларининг реал нархларга нисбатан ошириб кўрсатилиши ТИАларнинг қайта тайёрланишига ва тадбиркорларнинг ортиқча вақт сарфлаб овора бўлишларига сабаб бўлмоқда.

Чет эл кредитлари ўз вақтида ўзлаштирилмаслигининг яна бир сабаби, кредит берилишида асосий шартлардан бири бўлган кредит таъминотининг етишмаслигидир. Инвестицион лойиҳалари маъқулланган тадбиркорлик субъектларининг 40-50 фоизи белгиланган миқдордаги ёки ликвидли таъминот турини тақдим этолмаганлиги сабабли лойиҳаларни молиялаштириш кечикмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу муаммоларнинг ечимини топишга айрим омиллар, яъни:

- кўчмас мулк бозорининг (ишлаб чиқариш характеридаги) ривожланмаганлиги;
- қимматли қоғозлар бозорининг етарли ривожланмаганлиги;
- кафил бўла оладиган молиявий барқарор корхоналарнинг камлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг кредит олишда таъминотининг етишмаслиги муаммоси фақат бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эмас, балки ривожланган АҚШ, Япония ва Европа давлатларида ҳам мавжуд. Ушбу давлатларда бу муаммо Давлат кафолат фонди орқали тижорат

банклари кредитларининг 50-80 фоизигача миқдорида кафилик бериш орқали ўз ечимини топади.

Ушбу муаммонинг долзарблигини инобатга олиб, кредит берилишида таъминотнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этиш мақсадида, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2008 йил 25 июндаги йиғилишида Молия вазирлиги, Марказий Банк ва бошқа мутасадди вазирликларга кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича Тикланиш ва тараққиёт фондини тузиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Тикланиш ва тараққиёт фондини ташкил этишдан асосий мақсад, кредит олишда таъминоти бўлмаган ёки қисман бўлган тадбиркорлик субъектларига кафолат берадиган молиявий институтни вужудга келтиришдир.

Ушбу фонд банк депозитига қўйиладиган кафолат капиталига эга бўлиб, қарздор кредит бўйича тўловларни амалга оширишга ноқобил бўлиб қолган тақдирда, уни тўлаш манбаси бўлиб хизмат қилади. Жамғарма томонидан кафолат бўйича мажбуриятлар бажарилгандан кейин, унга қарздордан кафолат бўйича банкка тўланган суммани олиш ҳуқуқи ўтади.

Тадбиркорлик субъектларининг ушбу фондига ёки фонд билан ҳамкорлик қилаётган банка тақдим қилган аризаси унга кафолат беришга асос бўлиб хизмат қилади. Кафолатлар фақатгина асосий қарз бўйича ва тўлов асосида берилади.

Ташкил этиладиган фонд, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ҳудудлари ва тармоқларида капитал қўйилмаларни тақсимлайдиган инструмент бўлиб хизмат қилади. Фонд ушбу вазифани миллий иқтисодиёт ёки маълум бир ҳудуд ривожланиш дастури ва концепциясига мос тушадиган инвестицияларнинг қайтиши учун кафолат бериш йўли билан бажаради.

Кредитларни кафолатлаш нафақат қарздорни турли молиявий йўқотишлардаг ҳимоя қилади, у ҳаттоки бутун тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг муҳим инструменти сифатида ҳам хизмат қилади. Чунки, тиклагиш ва тараққиёт маблағларидан фойдаланиш жараёнида иштирок этиб

кредиторлар билан биргаликда таваккалчиликни ўзаро ўртада тақсимлаган ҳолда кредит маблағларини жалб қилишни тезлаштиради.

Хорижда кафолатлаш тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг энг оммавий шаклларида бири бўлиб давлат кафолат фондларининг асосий таъсисчиси сифатида катнашади.

Ҳозирги кунда АҚШ Кичик бизнес Администрацияси (The Small Business Administration), Канада кичик бизнес кредитлари тўғрисидаги қонун тизими (SBLA), Буюк Британиядаги Кредит кафолати тизими (LGS) фаолият юритишмоқда. Кафолатлаш тизими 1994 йилдан бошлаб Германия, Бельгия, Испания, Франция ва Италия давлатларида ҳам ўз фаолиятини амалга ошира бошлади. Жануби-Шарқий Осиёдаги мамлакатларда, хусусан, Япония, Жанубий Корея, малайзия ва индонезия давлатларида мазкур амалиёт 30 йилдан ортиқ давр мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мисол учун, Японияда мазкур тизим 1947 йилдан, Жанубий Кореяда 1971 йилдан, Малайзияда 1971 йилдан ва Индонезияда 1972 йилдан бошлаб давлат кафолат тизими амал қила бошлаган.

Ушбу давлатларнинг бу соҳадаги кўп йиллик тажрибасидан биз кўплаб фойдали жиҳатларини олсак бўлади. Осиёдаги кафолатлаш тизимининг барчаси давлат саъй-ҳаракатлари асосида ташкил қилинган корпорациялар томонидан бошқарилади.

Ҳорижий мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Давлат кафолат фондининг бошланғич маблағини эса қуйидаги маблағлар, яъни:

- давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган тушумлар;
- давлатнинг бошқа ликвидли активлари (акциядорлик жамиятларидаги давлат акциялари);
- жамғарма фаолиятининг даромадлари;
- ҳомийлик ажратмалари ҳисобига шакллантириш мумкин.

Юқорида қайд этилганлар келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес субъектларига кредитлар берилишида таъминотнинг етишмаслик

муаммосини ҳал этиш мақсадида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Давлат кафолат фондини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Бу эса мамлакатимизга жалб қилинадиган хорижий инвестициялар миқдорининг ортишига ва уларнинг ўзлаштирилишининг тезлашишига олиб келади. Натижада банкларимиз билан хорижий кредит муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада самарали бўлади ҳамда маҳаллий хомашёлар негизида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган товарлар ҳажми ортади ва кўплаб янги ишчи ўринлари яратилади.

Республикамызда имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кичик бизнес субъектларига 3 йил муддатгача, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда кўрсатилади.

Кичик бизнес субъектларига ажратилаётган ушбу кредитлар республикамызда янги ишчи ўринларини ташкили этилишига, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарилишига, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида хусусий секторнинг улушини ошиб боришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади деган умиддамиз.

Кейнги пайтларда кичик бизнес субъектларини молиялаштириш ва кредитлашда молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларида бири хисобланган лизингнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги тармоғида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектлари- фермер хўжаликларини молиялаштиришда лизинг аҳамияти юқори бўлмоқда. Бу тўғрисида муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов, “Жахон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарининг “Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жахон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир” деб номланган иккинчи қисмида куйидаги фикрларни

келтриб ўтган эдилар, “Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд хисобидан ушбу мақсадлар учун 2008 йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, 2009 йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2009 йилда фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил қилиниши режалаштирилган”⁹.

Лизинг операциясида лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтади. Лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлиши ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши талаб қилинади. Лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлиши лозим.

Лизинг тўловлари - лизинг берувчининг лизинг объектини олиш учун қилган барча харажатлари, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат.

Лизингнинг асосий мақсади – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий фондини шакллантириш ёки бошқа қилиб айтганда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган асосий воситалар, техника-технологиялар, асбоб-ускуналарни сотиб олишдан иборат.

⁹ Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.:Ўзбекистон, 2009 й.- 34 б.

Лизинг берувчилар сони охириги уч йил мобайнида икки мартабага ошди. 2010 йилда кўшимча 16 дона янги лизинг компанияси хизмат кўрсатишни бошлади.

6-жадвал

Лизинг хизматларининг ривожланиши¹⁰

	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Лизинг берувчилар	14	21	23	28	33	49

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кейинги йилларда лизинг хизматларининг кенг кўламда ривожланиши кузатилмоқда. Хусусан, 2005 йилда лизинг берувчиларнинг сони 14 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилга келиб 33 тани ташкил қилди ва 2010 йил 49 тани ташкил қилди. Бу ўз ўзидан лизинг берувчи компанияларнинг кўпайиб бораётганлигидан далолатдир. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

7-жадвал

2010 йилда лизинг хизматларини тақдим этувчи молиявий муассасалар тўғрисида маълумот¹¹


2010	Барчаси	Янгилари
Банклар	21	
Лизинг компаниялари	20	5
Бошқалар	8	4

2010 йилда фаолият юритган лизинг компанияларининг сони 20тани ташкил қилди. Жами 2010 йилда лизинг Лизинг хизматларини кўрсатувчи банклар сони эса 21 тани ташкил этган. 2010 йилда лизинг хизматларини тақдим этувчи молиявий муассасалар сони 16 тага кўпайган. Бу ҳолат лизинг хизматларини молиялаштиришнинг муқобил варианты сифатида кенгайиб

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

бораётганлигидан далолат беради. Шунингдек, уларнинг кичик бизнес субъектларини молиялаштиришда ҳам ахамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистонда лизинг хизматларини ҳудудлар кесимда таҳлил қиладиган бўлсак, ҳудудларда кичик бизнес субъектларига лизинг хизматларини тақдим этишда бир қатор омиллар таъсир қилган.



- | | |
|-----------------------------------|----------------------|
| ■ Тошкент ш. 43% | ■ Тошкент вил. 9% |
| ■ Андижон вил. 7% | ■ Самарқанд вил. 7% |
| ■ Хоразм вил. 6% | ■ Бухаро вил. 5% |
| ■ Корақалпоғистон Республикаси 5% | ■ Фарғона вил. 4% |
| ■ Наманган вил. 3% | ■ Кашкадарё вил. 3% |
| ■ Навоий вил. 3% | ■ Сурхандарё вил. 2% |
| ■ Жиззах вил. 2% | ■ Сирдарё вил. 1% |

4.Расм. Ўзбекистонда 2010йилда лизинг операцияларнинг тақсимланиши¹²

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, жами республикада бажарилган лизинг операцияларда Тошкент шаҳрининг улуши 43%ни

¹² Ўзбекистон мулк қўмитаси маълумотлари

ташкил қилган. Умуман ўртача даражадан паст бўлган вилоятлар Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ҳисобланади.

Умуман, саволимиз охирида хулоса сифатида айтадиган бўлсак, кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес субъектларини молиялаштириш тизими орқали қўллаб қувватлаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу биринчи навбатда молиялаштириш ва кредитлаштиришнинг муқобил вариантларининг вужудга келди. Бу ҳам ўз навбатида кичик бизнесни ривожлантириш давлат сиёсатида ўзининг ифодасини топмоқда.

